# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 10 декабрь, № 237 (6420) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Электрон ҳукумат тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 18 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**электрон ҳукумат** — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими;

**давлат хизмати** — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин;

**сўров** — ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби;

**ариза берувчи** — давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс;

**идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш** — давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш;

**электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари** — ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар;

**электрон давлат хизматининг регламенти** — электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

**электрон давлат хизмати** — ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

**4-модда. Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари**

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш.

(Давоми 2-бетда).

# ОНА ВАТАННИНГ БУНЁДКОРЛИК СОЛНОМАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимлардаги ҳар бир маърузаси келажаги буюк юртимиз фуқароларини улуғвор бунёдкорлик ишларига чорловчи, фаровон, озод ва обод ҳаётимизнинг янада юксак даражаларини белгилаб берувчи марраларни забт этишга ундовчи даъватдир. Бу йилги маъруза ҳам, албатта, тарихий воқеа сифатида улкан аҳамият касб этади.*

**2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**





Унда ҳокимиятнинг барча тармоғи, тадбиркору фермерлар, шифокору ўқитувчилар, ёшлару катта авлод вакиллари — қисқаси, барча ижтимоий гуруҳларнинг куч ва имкониятлари, саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни кўзда тутувчи вазифалар ўз ифодасини топган бўлиб, уни чинакам дастуриламал ҳужжат, дейиш ўринлидир. Давлатимиз раҳбари фуқароларга мурожаат қилар экан, бир қатор ғояларни илгари суриб, эзгу ва олижаноб ниятларни амалга ошириш йўлида бутун борлиғимиз ва куч-ғайратимизни сафарбар этишга чақирди.

Маърузада республикамиздаги мавжуд вазият, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ баён этилган. Шу билан бирга, бундан йигирма тўрт йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимизни муносиб давом эттиришда барча ўзбекистонликлар бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари лозимлигига урғу берилган.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимизнинг мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилишдаги улкан роли алоҳида қайд этилган.

### Узоқ кутилган лаҳза

Юртбошимиз ўз маърузасида Конституциямиз коммунистик мафкура асосига қурилган эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот усулидан, мустабид тузумдан бутунлай воз кечганимизни эълон қилиб, биз учун янги давлат ҳамда жамият қуришнинг энг муҳим тамойил ва мақсадларини, вазифа ҳамда меъёрларини белгилаб берганлигини таъкидлади.

Мана шу сўзлар янграган лаҳзаларда муҳташам “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ва телевизор қаршисида ўтирган юртдошларимизнинг кўпчилиги бугунги фаровон ҳаёт ва кенг маънодаги эркинлик ушалмас орзудек туюлган ўша оғир дамларни эсга олган бўлса, ажабмас.

Конституциямиз ўта мураккаб шароитларда дунёга келди, шу боис ҳам унинг қабул қилинишига катта умид боғланган эди. Парчаланган империянинг бўлаклари ҳали ҳам бурксиб тутаётган, айрим республикалар эса миллатлараро зиддият ва тўқнашувлар гирдобида қолган эди. Асосий Қонун ана шундай фожиали воқеалар, халқнинг жипслиги ва хотиржамлигини бузишга бўлган уринишларга қарши самарали куч бўлиши лозим эди. Бундан ташқари, Конституцияни қабул қилиш даври эски сиёсий ва давлат тузилмаларининг емирилиши ҳамда янгиларининг барпо этилиши, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан янада мураккаблашганди. Пировард натижада озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат товарлари ва хизматларнинг нархлари ошган, аҳолининг турмуш шароитлари пасайганди.

(Давоми 4-бетда).

**10 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

# УЛУҒВОРЛИК, ҒУРУР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

*Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси чексиз фахру ифтихоримиз тимсолидир. Зеро, Ватанимизнинг бош қўшиғи ҳар гал янграганда, вужудимизда ажиб ҳислар уйғонади.*

Унда халқимизнинг бугунгидек дориламон кунларни орзу қилгани, эл осойишталигини ўзининг оромидек азиз билган ватанпарварлар матонати акс этган. “Аждодлар мардона руҳи сенга ёр”, деган калом билан мамлакат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон бўлишини таъминлаётганларга шу муқаддас заминда яшаб ўтган улуғ аждодларнинг руҳлари мададкор бўлиши ифодаланган.

Кексаларимиз дуога қўл очганларида, энг аввало, осойишталикни, хотиржамликни тилайдилар. Зотан, эл-юртнинг тинчлиги, озодлиги ҳар нарсадан улуғ. Бу неъматни қадрлаш эса ҳар бир юртдошимизнинг бурчига айланмоғи лозим. Ватанпарварлик аслида нафақат ўз юртингни бало-қазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун курашиш ҳам демакдир.

— Турли нуфузли мусобақалар туфайли чет элларга кўп борамиз, — дейди II ўсмирлар Олимпиадасининг бокс бўйича ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори, “Шуҳрат” медали соҳиби Бектемир Меликўзиев. — Уларда муваффақият қозонганимизда, бошимиз кўкка етади, қувонамиз. Бундан-да муҳими, ана шундай пайтда ғолиблигимиз эътирофи сифатида жонажон юртимиз мадҳияси янграб, бошимиз узра муаззам байроғимиз ҳилпираганда, қалбимизнинг туб-тубида ғурур пайдо бўлади, ҳурмат-эътибор кучаяди, фахр-ифтихор ҳисси жўш уради. Чунки у ватанпарварлик фазилатини шакллантирувчи, жонажон юртни дилдан севишга чорловчи муҳим воситадир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, азалий орзу-истакларимиз, эзгу интилишларимиз давлатимиз рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Чунончи, Ватанимиз мадҳияси, том маънода, биз учун улуғвор ва муқаддасдир.

Мадҳиямиз мамлакат мустақиллиги, халқ озодлиги, давлатнинг буюк келажаги ҳақида куйлайдиган, фаровон жамият қурилиши йўлида фидокорона меҳнатни тараннум этадиган истиқлол рамзидир. Шу боис қутлуғ таронанинг ҳар бир сатри қалбимизга чўғ солади, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ифода этиб туради...

(Давоми 4-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида

**9,3** мингдан зиёд

**якка тартибдаги уй-жойлар бунёд этилди.**




*Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган оилаларни замонавий тураржой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида ҳаётга татбиқ қилинаётган давлат дастурларининг изчил ижроси туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.*

**МУНОСАБАТ**

*Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини чуқур ҳаяжон, катта эътибор билан тингладик.*

# ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Унда юртимиз иқтисодий барқарорлигининг муҳим омиллари, барча соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз кенг эътироф этилгани қалбимизда она-Ватанимиздан ғурурланиш, айни пайтда шукроналик туйғуларини янада кучайтирди. Айниқса, давлатимиз раҳбари таклифига кўра, кириб келаётган янги — 2016 йил юртимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасидаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш мақсадига қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар ўртасида касаллик ҳамда ўлим кўрсаткичларини камайтириш 2000 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммитида қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш декларациясининг асосий мақсадларидан саналади. Мазкур глобал лойиҳа асосида Ўзбекистонда 2015 йилга келиб, оналар ва болалар ўлимини 1990 йилдаги кўрсаткичга нисбатан тўртдан уч қисмга камайтириш устувор вазифалардан қилиб белгиланган эди. Қувонарлиси, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ҳамда вояга етишини таъминлаш билан боғлиқ давлат дастурларининг тизимли амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч баробардан зиёд камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриши 67 дан 73 ёшга, аёллар ўртасида 75 ёшга кўтарилди. Бугунги кунда юртимизда болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади.

Таъкидлаш ўринлики, соҳада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Электрон ҳукумат тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**5-модда. Электрон ҳукуматнинг асосий принциплари**

Электрон ҳукуматнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги;

электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши;

«бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

**6-модда. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги принципи**

Давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилади.

Ариза берувчиларга электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборот оммабоп ва очиқдир ҳамда у электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ариза берувчи сўровининг кўриб чиқилиши ҳолати ва хизматлар кўрсатилиши натижалари тўғрисидаги ахборотни тегишли хабарларни электрон шаклда юбориш йўли билан унинг талабига кўра тақдим этади.

**7-модда. Электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши принципи**

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

**8-модда. «Бир дарча» орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш принципи**

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат кўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда электрон давлат хизмати кўрсатиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади, бунда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади.

**9-модда. Давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш принципи**

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида фойдаланиладиган давлат органлари ҳужжатлари электрон давлат хизмати кўрсатиш доирасида бошқа давлат органлари томонидан сўралаётган ахборотнинг ушбу ҳужжатлардан чиқариб ташланиши ҳисобга олинган ҳолда ўзаро бирхиллаштирилиши керак.

Ҳужжатларни бирхиллаштириш бевосита давлат органлари томонидан электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган билан биргаликда амалга оширилади.

**10-модда. Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш принципи**

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади.

Ахборотни электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларида, шунингдек электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида сақлаш ҳамда унга ишлов бериш электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари рўйхати, уни шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тартиби, шунингдек ариза берувчининг ўзи тақдим этган идентификаторга мувофиқлигини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**11-модда. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш принципи**

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш, шунингдек электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби такомиллаштириб борилиши, шу жумладан қуйидаги йўллар билан такомиллаштириб борилиши шарт:

давлат органларининг ортиқча маъмурий тартиб-таомилларини бартараф этиш ва (ёки) бирлаштириш ҳамда келишиб олинадиган вазифалари сонини камайтириш;

ариза берувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни мақбуллаштириш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини қисқартириш.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

**12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш принципи**

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари шахсга доир маълумотлар, шунингдек давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар муҳофаза қилинишини ва улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олди олинишини таъминлаш юзасидан зарур ташкилий-техник чоралар кўради.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида сақланадиган шахсга доир маълумотлардан улар қайси ариза берувчига тааллуқли бўлса, ўша ариза берувчининг розилиги билан уларга ишлов бериш, уларни узатиш ва олиш учун фойдаланилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

**2-боб. Электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

**13-модда. Электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар**

Электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган ва бошқа давлат органлари амалга оширади.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

электрон ҳукуматнинг шакллантирилишини ва ишлашини унинг асосий принципларига мувофиқ таъминлайди;

Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимининг ишлаш тартибини белгилайди;

электрон давлат хизматларини кўрсатишда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи бир нечта давлат органи иштирок этадиган бўлса, ўша электрон давлат хизматларининг регламентларини тасдиқлайди;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш услубиётини, шунингдек электрон ҳукумат лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли органдир.

Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида:

электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;

электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади;

давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

электрон ҳукумат соҳасидаги мониторингни амалга оширади, электрон давлат хизматлари кўрсатиш, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳисобот материалларини шакллантиради ва уларга ишлов беради;

электрон ҳукумат инфратузилмасининг марказий маълумотлар базаларига, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига, Маълумотларга ишлов бериш марказига ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига тааллуқли қисмининг ишлаб туришини таъминлайди;

электрон давлат хизматлари кўрсатилиши сифатини, шунингдек электрон ҳукумат лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришилиши даражасини баҳолайди;

ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ва алмашиш бўйича стандартлар ҳамда техник талаблар асосида электрон ҳукуматнинг техник асосини шакллантириш чора-тадбирларини кўради;

кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

электрон давлат хизматларининг регламентлари келишиб олинишини амалга оширади;

Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

электрон ҳукумат ахборот тизимларининг ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

электрон ҳукумат соҳасида давлат органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни ривожлантиришга инвестициялар жалб этилишини таъминлайди;

электрон ҳукумат соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатлари**

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

электрон ҳукумат соҳасида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг, шунингдек электрон давлат хизматларининг жорий этилишини, ривожлантирилишини ҳамда интеграциялашувини таъминлайди;

ўзларининг фаолият соҳасига мувофиқ электрон давлат хизматларининг регламентларини ишлаб чиқади ва электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда уларни тасдиқлайди;

ўзи кўрсатадиган электрон давлат хизматлари Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди;

ариза берувчиларнинг танловига кўра электрон давлат хизматларини олиш имкониятини таъминлайди;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратади, шу жумладан имконияти чекланган шахсларга зарур шарт-шароитлар яратади;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг узлуксиз ишлашини таъминлайди;

ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

электрон ҳукумат соҳасида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўради;

электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларига ва бошқа дастурларга узвий боғлиқ ҳолда ахборот тизимларини, ахборот ресурслари ва тармоқларини ривожлантиришнинг идоравий режаларини (дастурларини) ишлаб чиқади;

ўз расмий веб-сайтларининг доимий ишлашини, шунингдек уларда электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинишини таъминлайди;

ўз таркибий бўлинмаларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини таъминлайди;

электрон давлат хизматлари кўрсатилишининг бориши тўғрисидаги ахборотнинг ариза берувчилар томонидан ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари орқали олиниши имкониятини таъминлайди;

электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида электрон ҳукуматни ривожлантириш**

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ривожлантириш дастурлари электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари электрон давлат хизматларини жорий этиш, идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш лойиҳаларини электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширади.

**3-боб. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш**

**18-модда. Электрон давлат хизматларининг турлари**

Электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин.

Ахборот давлат хизмати ариза берувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарзда тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматидир.

Интерактив давлат хизмати ариза берувчига ариза берувчи ва электрон давлат хизмати кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматидир.

**19-модда. Электрон давлат хизматларининг ягона реестри**

Электрон давлат хизматлари Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида электрон давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг рўйхати ҳамда ҳажми, шунингдек уларнинг тақдим этилиши учун масъул бўлган давлат органлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши керак.

Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**20-модда. Электрон давлат хизматларига доир талаблар**

Ахборот давлат хизматлари тўлиқ ва ишончли ахборотни ўз ичига олиши керак.

Интерактив давлат хизматлари:

қонун ҳужжатлари асосида ва ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ҳамда алмашиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилиши;

электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламенти асосида кўрсатилиши;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришни назарда тутувчи хизматлардан ариза берувчиларнинг хавфсиз фойдаланишини таъминлаши;

сўров юбориш ва электрон давлат хизматининг натижасини олиш имкониятини таъминлаши;

тўлиқ, ишончли бўлган ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилинган ахборотни ўз ичига олиши керак.

**21-модда. Электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўровга доир талаблар**

Электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўровнинг таркибига, ҳажмига, идентификациясига, уни расмийлаштириш ва юбориш тартибига доир талаблар электрон давлат хизматининг регламенти билан тасдиқланади.

Ариза берувчининг идентификацияланишини талаб этувчи электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўров, қоида тариқасида, электрон ҳужжат тарзида бўлиши керак.

Электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисида электрон ҳужжат тарзида юборилган сўров қоғоз шаклида юборилган сўровга тенглаштирилади.

**22-модда. Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича бериладиган жавобга доир талаблар**

Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича бериладиган жавобнинг таркибига, ҳажмига, идентификациясига, уни расмийлаштириш ва юбориш тартибига доир талаблар электрон давлат хизматининг регламенти билан тасдиқланади.

Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича ариза берувчига юбориладиган жавоб, қоида тариқасида, электрон ҳужжат тарзида бўлиши ва электрон давлат хизматининг регламентида белгиланган муддатларда юборилиши керак.

Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича электрон ҳужжат тарзида юборилган жавоб қоғоз шаклида юборилган жавобга тенглаштирилади.

**23-модда. Ариза берувчининг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқлари**

Ариза берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон давлат хизматларини ўз вақтида ва электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламентларига мувофиқ олиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

электрон давлат хизмати кўрсатилишининг бориши тўғрисида ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари (расмий веб-сайт, телефон, электрон почта, тезкор алоқа ва бошқалар) орқали ахборот олиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашда иштирок этиш;

электрон давлат хизматларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

Ариза берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**24-модда. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашни амалга ошириш тартиби**

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган услубиёт, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш натижалари мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ушбу хизматларнинг кўрсатилиш сифатини ошириш бўйича чоралар кўриши шарт.

**4-боб. Электрон ҳукуматнинг ишлашини ташкил этиш**

**25-модда. Электрон ҳукумат инфратузилмаси**

Электрон ҳукумат инфратузилмаси:

марказий маълумотлар базаларидан;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимидан;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуаларидан;

давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан;

Маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғидан иборатдир.

**26-модда. Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари**

Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ягона марказлаштирилган ахборот манбаларини тақдим этувчи давлат ахборот ресурслари бўлиб, уларда давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун давлат органларининг асосий маълумотлари умумлаштирилади ва сақланади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларидаги ахборотдан фойдаланилади. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган бошқа ахборот давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларида сақланиши мумкин.

Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**27-модда. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуалари**

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида давлат органларининг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Давлат органлари томонидан ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини яратиш чоғида идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлаш учун электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари билан уларнинг интеграциялашуви имконияти назарда тутилган бўлиши керак.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими ахборотни тўплашга, сақлашга, унга ишлов беришга, уни узатишга ва алмашишга доир талаблар асосида ишлайди.

Давлат органларида фойдаланиладиган ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, асосан электрон ҳужжатлар тарзида яратилиши, жўнатилиши ва сақланиши керак.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида узатиладиган ҳужжатларнинг ва ахборотнинг рўйхати электрон давлат хизматларининг регламентлари билан белгиланади.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат органларининг электрон ҳукуматдаги ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ушбу органларнинг ваколатлари доирасида ахборотни тўплашни, сақлашни, излашни, унга ишлов беришни, шунингдек ундан фойдаланишни таъминлайди.

Давлат органларининг электрон ҳукуматдаги ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ахборотни тўплашни, сақлашни, излашни, унга ишлов беришни, шунингдек ушбу органларнинг ўзаро электрон ҳамкорлиги жараёнлари автоматлаштирилишини таъминлайдиган мажмуаларга бирлаштирилиши мумкин.

**28-модда. Давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали**

Электрон давлат хизматлари ариза берувчиларга давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси бўлган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

**29-модда. Электрон ҳукуматнинг маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи**

Электрон ҳукуматнинг маълумотларга ишлов бериш маркази электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг идоравий ва идоралараро ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларининг, электрон ҳукумат марказий маълумотлар базаларининг сақланишини ва интеграциялашувини таъминлайди.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари идоравий ва идоралараро ахборот тизимларининг ҳамда ахборот ресурсларининг, электрон ҳукумат марказий маълумотлар базаларининг ўзаро ҳамкорлиги электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**30-модда. Электрон ҳукуматни шакллантиришга ва ривожлантиришга доир фаолиятни молиялаштириш**

Электрон ҳукуматни шакллантиришга ва ривожлантиришга доир фаолиятни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**31-модда. Низоларни ҳал этиш**

Электрон ҳукумат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**32-модда. Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**33-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 декабрь
№ ЎРҚ—395

**ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2340-сонли қарорига асосан, стратегик хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятларининг давлат акциялар пакетлари бўйича ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.***

| Т/р | Жамиятнинг номи ва юридик манзили | Фаолият ихтисослиги | Жамиятнинг тавсифи (2014 йил якуни бўйича) | Давлат акция пакети (фоизда) | Акциялар сони (дона) | Бошланғич нархи (АҚШ долларида) | | Минимал инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори | | | Савдо ташкилотчиси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | акциялар пакети учун | 1 дона акция учун | Суммаси (АҚШ долларида) | Киритиш муддати | Ташкил этиладиган иш ўринлари сони (та) | |
| 1. | «Жиззах пластмасса» АЖ, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 5-уй | Пластмасса маҳсулотларини қайта ишлаш | Соф фойда — 451 927,0 минг сўм, ишчилар сони — 193 нафар | 61,04 | 140 626 | 7 336 429 | 52,17 | 1 100 000 | 3 ойдан ошмаган муддатда | 37 тадан кам бўлмаган миқдорда | «Тошкент» Республика фонд биржаси» акциядорлик жамияти |
| 2. | «Самарқандкимё» АЖ, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар шаҳарчаси | Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Соф фойда — 537 134,0 минг сўм, ишчилар сони — 598 нафар | 60,35 | 947 757 | 13 107 921 | 13,83 | 14 200 000 | 4 йилдан ошмаган муддатда | 362 тадан кам бўлмаган миқдорда | «Тошкент» Республика фонд биржаси» акциядорлик жамияти |
| 3. | «Фарғонаазот» АЖ, Фарғона вилояти, Қиргули тумани, Саноат кўчаси | Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Соф фойда — 989 339,0 минг сўм, ишчилар сони — 7767 нафар | 48,05 | 16 216 103 | 152 820 557 | 9,42 | Кўзда тутилмаган | | | «Тошкент» Республика фонд биржаси» акциядорлик жамияти |
| 4. | «Кварц» АЖ, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-«А» уй | Шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Соф фойда — 26 673 928,0 минг сўм, ишчилар сони — 2 097 нафар | 75,0 | 17 972 955 | 94 310 500 | 5,25 | 9 200 000 | 3 йилдан ошмаган муддатда | — — — | «Тошкент» Республика фонд биржаси» акциядорлик жамияти |

** Изоҳ. Ушбу эълон «Народное слово» газетасининг 2015 йил 11 ноябрдаги 218-сони, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 219-сони ва «Биржа» иқтисодий газетасининг 2015 йил 7 ноябрдаги 131-сонларида чоп этилган хабарномага қўшимча ҳисобланади.*

Қайд этиб ўтилган давлат акция пакетларини сотиш «Тошкент» РФБнинг блок-трейдинг секциясидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Инвесторларнинг Давлат рақобат қўмитасига ва «Тошкент» Республика фонд биржасига тушган буюртманомалари (таклифлари) ўрнатилган тартибда давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари давлат акцияларини эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да сотиб олишлари мумкин.

Давлат акцияларини сотиб олиш учун харидор (харидорнинг воситачиси) биржа савдолари бошланишидан камида ўттиз дақиқа олдин харидор (харидорнинг воситачиси) сотиб олиш ниятида бўлган давлат акциялари бошланғич нархининг камида 15 фоизи миқдорида эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да «Тошкент» РФБ АЖнинг ҳисоб-китоб клиринг палатасидаги қуйидаги:

банк коди: 00407, MAIN OPERATIONAL BRANCH OF NBU OF UZBEKISTAN, TASHKENT SWIFT CODE: NBFA UZ 2X, 20208840600598771014 (АҚШ доллари-да) ҳисоб рақамига закалат тўлаши лозим.

Закалат талабгорнинг воситачиси кўрсатилмасдан тўланган тақдирда, сотувчига ёки «Тошкент» РФБнинг ҳисоб клиринг палатасига шартнома-топшириқноманинг нусхаси тақдим этилади.

Савдо ғолибининг закалат суммаси сотиб олинган давлат акциялари учун сотиб олиш тўловлари ҳисобига ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили сотувчи — Давлат рақобат қўмитасига ёхуд савдо ташкилотчиси — «Тошкент» РФБ АЖга буюртманома тақдим этиши лозим.

Шу билан бирга, очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда курьер ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган танловда қатнашиш учун буюртманомани икки нусхада сотувчи — Давлат рақобат қўмитасига тақдим этади:

— нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси;

— танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган, елимланган конвертга (икки нусхада) солинган танлов таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари;

— талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) олдин амалга оширилган тегишли тармоққа оид инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Устав фондининг 35 фоизи ва ундан кўпроғини ташкил этувчи давлат акцияларини сотиб олишда талабгор ёки унинг ваколатли вакили қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Давлат рақобат қўмитасининг ёки ҳудудий органнинг мазкур акциядорлик жамиятининг давлат акцияларини сотиб олишга розилигини олдиндан ёхуд буюртманомаларни очиш вақтида тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча саҳифаси талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Конвертларни очишнинг белгиланган санасига қадар талабгор ёзма билдиришнома бериш орқали ўзининг буюртманомасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолатда талабгордан тушган закалат билдиришнома рўйхатга олинган кундан бошлаб беш банк кунидан кеч бўлмаган муддатда тўланган валютада қайтарилади.

Савдо ташкилотчиси ва сотувчи томонидан танловда қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 11 декабрдан бошланади ва хабарномада кўрсатилган конвертларни очишнинг ҳар бир санасидан уч соат олдин тамом бўлади.

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссиясининг қарори тасдиқлангандан кейин сотувчи 20 (йигирма) кундан ортиқ бўлмаган муддатда савдо ғолиби билан ўрнатилган тартибда олди-сотди шартномасини тузади.

Талабгор давлат акцияларининг сотувчиси ва эмитентдан давлат акцияларини сотиб олишда ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

Танловлар икки ой давомида ўн иш кунида бир марта даврийлик билан ўтказилади.

Танлов таклифлари билдирилган конвертларнинг биринчи нусхалари 2016 йил 12 январь куни соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси биноси, 3-қават, 301-хонада очилади.

Шу куни талабгорлардан давлат акцияларини сотиб олиш бўйича буюртманомалар тушмаган тақдирда, кейинги белгиланган танлов савдоларига тушган танлов таклифлари билдирилган конвертларнинг биринчи нусхалари 2016 йил 26 январь, 9, 23 февраль, 9, 23 март кунлари соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси биноси, 3-қават, 301-хонада очилади.

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Сотувчи:**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси.**
Манзил: Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Телефонлар: (+99871) 259-21-38,
259-21-14, 259-20-29.
Веб-сайтлар: www.gkk.uz, www.gki.torg.uz
Электрон почта манзили: privatization@gki.uz

**Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:**

**«Тошкент» Республика фонд биржаси,**
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: (+99871) 236-07-40, 233-32-31.
Веб-сайт: www.uzse.uz
Электрон почта манзили: info@uzse.uz

**«Mulk-sarmoya brokerlik uyi» АЖ,**
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.
Веб-сайт: www.ndvakt.uz
Электрон почта манзили: xursan@ndvakt.uz

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Танлов жараёнида қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.**

1826-1R/857

**TO THE ATTENTION OF ALL FOREIGN INVESTORS!**

# The State Committee of the Republic of Uzbekistan for Privatization, Demonopolization and Development of Competition

**on basis of the Decree by President of the Republic Of Uzbekistan dated April 28, 2015 PD-2340 «On Measures Aimed at Increase of the Share and Significance of the Private Ownership in the Economy» with the aim to arrange Sales of the State-owned Stock Packages present at the Charter Funds of the following Joint-Stock Companies to the Strategic Foreign Investors HEREBY INVITES YOU TO PARTICIPATE IN THE OPEN COMPETITIVE BIDDINGS***

| № | Name and Legal Address of a Company | Kind of Activity | Characteristics of a Company | State-owned Stock Package (%) | Quantity of Stocks (pieces) | Initial Price for a Stock Package (US Dollars) | Initial Price for a one piece of a Stock (US Dollars) | Minimal Size of Investment and Social Obligations (to be undertaken by a Buyer) | | | Sales Organizer |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Amount (US Dollars) | Period of Investing | Number of Job-Places to be newly created | |
| 1. | «Jizzakh Plastmassa» JSC («Jizzakh plastic factory») 5, Tashkentskaya str., Jizzakh City, Jizzakh Region | Processing of the Plastic Items | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 451 927,0 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel:193 | 61,04 | 140 626 | 7 336 429 | 52,17 | 1 100 000 | Shall not exceed the 3 months period | Not less than 37 Job-Places are to be newly created | «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC |
| 2. | «Samarkandkimyo» JSC («Samarkand chemical plant» JSC) Samarkand Region, Samarkand City, «Khimikov» Settlement | Production of Mineral Fertilizers | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 537 134,0 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 598 | 60,35 | 947 757 | 13 107 921 | 13,83 | 14 200 000 | Shall not exceed the 4 years period | Not less than 362 Job-Places are to be newly created | «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC |
| 3. | «Fergana azot» JSC («Fergana nitrogen plant» JSC) Sano'at str., Kirguli district, Fergana Region | Production of Mineral Fertilizers | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 989 339,0 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 7 767 | 48,05 | 16 216 103 | 152 820 557 | 9,42 | Not stipulated | | | «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC |
| 4. | «Kvarts» JSC («Quartz» JSC — glassware manufacture), 2a, Mustaqillik str. Kuvasay City, Fergana Region | Manufacture of the Glass-ware Items | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 26 673 928,0 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 2 097 | 75,0 | 17 972 955 | 94 310 500 | 5,25 | 9 200 000 | Shall not exceed the 3 years period | — — — | «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC |

** Note: The above shown Announcement shall be considered being the addition to the Notification previously published at the newspapers: «Narodnoye Slovo» — issue of November 11, 2015 No 218, «Khalq So'zi» — issue of November 12, 2015 No 219 and «Birja» economic newspaper — issue of November 07, 2015 No 131.*

Sales of the above shown State-owned Stock Packages are performed with the use of the Block-Trading Section of «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC.

The Investor's Applications (Proposals) presented to the State Competition Committee and «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC will be considered, in the established order, by the State Tender Commission.

Non-residents of the Republic of Uzbekistan may purchase the State-owned Stocks in way of paying for them in Free Convertible (Hard) Currency (US Dollars).

For purchase of the State-owned Stocks a Buyer (a Broker of the Buyer) is obliged, not less than thirty minutes prior to the beginning of the Exchange Sales, to deposit at the Settlement and Clearing Chamber (SCC) of the «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC, a pledge in form of the cash means in Free Convertible (Hard) Currency (US Dollars) at size of not less than 15 percent of the Initial Price of the desired State-owned Stocks into following bank account:

Bank Code: 00407, MAIN OPERATIONAL BRANCH OF NBU OF UZBEKISTAN, TASHKENT SWIFT CODE: NBFA UZ 2X, 20208840600598771014 (US Dollars).

In case of deposition of the cash means without indicating a (Buyer's) Broker, a copy of the Commission Agreement shall be presented to the Seller or the Settlement and Clearing Chamber (SCC) of the «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC.

Cash means deposited as a pledge will be taken into account at performance of the Purchase Payments to be done by a Winner of the Competitive Bidding for purchase of the State-owned Stocks.

For participation an a Competitive Bidding, an Applicant or his/her Authorized Representative shall present the Application to the Seller, i.e. State Competition Committee or to the Sales Organizer, i.e. «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC.

Simultaneously, a Pretender or his / her Authorized Representative, in way of sending by a courier or by the post, present to the Seller — State Competition Committee, during the periods set at the Announcement on a Competitive Bidding, the Application on participation in a Competitive Bidding in two copies with the attachment of the following documents:

for Non-State Legal Entities — a copy of the Certificate on the State Registration and the Power of Attorney formalized in the order established by the legislation, for participation in a Competitive Bidding of an Authorized Representative with the attachment of a copy of a document identifying his / her person;

for Natural Persons — a copy of a passport, at participation in a Competitive Bidding of an Authorized Representative, also the Power of Attorney, formalized in the order established by the legislation with attachment of a copy of a document identifying his / her person;

a copy of a payment document confirming deposition of the pledge money into the bank account indicated at the Announcement on an Open Competitive Bidding;

two copies of the Competitive Bidding Proposals, composed in accordance with the Competitive Bidding's Documentation, placed into the sealed envelopes and which shall include:

proposed amount of the Purchase Payment and periods of its payment;

proposed amount of the Investment Obligations, forms, periods and terms of their contribution (fulfillment);

documents confirming the Financial Sustainability of a Pretender and (or) previously implemented Investment Projects at an according branch (if any).

At purchase of the State-owned Stocks constituting 35 and higher percent of the Charter Fund, a Pretender or its / his / her Authorized Representative shall present in advance or at the moment of opening the envelopes containing its / his / her Proposals, a preliminary consent of the State Competition Committee or a Territorial Body related to purchase the State-owned Stocks of a given Joint-Stock Company in cases established by the legislation.

All pages of the presented documents shall be verified by a seal and signature of a Pretender.

Before a date set for opening of the envelopes, a Pretender is entitled to call back its / his / her Application in way of presenting a written notification. In such a case, the pledge money deposited by a Pretender shall be subject to return in the same, as previously paid, currency, within a period of not later than five banking days since a date of registration of a received notification.

Sales Organizer and the Seller will start accepting the Applications presented by Participants in the Competitive Bidding from December 11, 2015 and will end up their acceptance three hours prior to each date of opening of first copy of the envelops indicated at the Announcement

After the adoption of a decision by the State Tender Commission, the Seller, within a period not exceeding 20 (twenty) days shall conclude with the Winner a Sale-Purchase Agreement within periods indicated at the legal acts.

A Pretender, for the sake of taking a decision on purchase of the State-owned Stocks, is entitled to request and get from the Seller and the Issuer the necessary additional information, excluding the information, which due to its specificity is considered being the official or the commercial secret.

Competitive Biddings will be conducted during the following two months with the periodicity of once in each ten days.

Envelopes containing the Competitive Bidding Propiosals will be opened on January 12, 2016, on 15:00 p.m. at the room 301 on the third floor of the building of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan.

If by that date no Applications from Pretenders on purchase of the State-owned Stocks were received, envelopes with Proposals received as a result of the consequent Competitive Biddings will be opened on January 26, 2016, February 9 and 23, 2016 and March 9 and 23, 2016, on 15:00 p.m. at the room 301 on the third floor of the building of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan.

**Welcome to the Competitive Biddings!**

**The Seller: the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan;**
Address: 55, Uzbekistanskiy Ave., Tashkent City
Phones for information: (+99871) 259-21-38,
259-21-14, 259-20-29.
Web-sites: www.gkk.uz, www.gkitorg.uz,
E-mail: privatization@gki.uz

**For additional information you may also apply to the following addresses:**

**«Toshkent» Republican Stock Exchange JSC,**
10, Bukhara str., Tashkent City
Phones for information: (+99871) 236-07-40, 233-32-31.
Web-sites: www.uzse.uz, E-mail: info@uzse.uz

**«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ**
(Property-Investment Brokers' House),
10, Bukhara str., Tashkent City
Phones for information: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.
Web-site: www.ndvakt.uz, E-mail: xursan@ndvakt.uz

**Dear Entrepreneurs and Businessmen! In case of violation of your rights during the process of the Competitive Biddings' conduct, please urgently contact and inform us through the «hot-line» of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan: (0-371) 259-21-37.**

1826-2R/857

# ОНА ВАТАННИНГ БУНЁДКОРЛИК СОЛНОМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақилликни қўлга киритиш остонасида собиқ иттифоқ таркибидаги энг қолоқ республикалардан бири бўлган Ўзбекистон эндигина ўзининг илк қадамларини қўяётган ўша оғир давр ҳақида газеталарнинг сарғайган саҳифалари ҳам гувоҳлик беради. Ўша йиллари газетада босилган оддий бир ахборотга эътиборимизни қаратсак: унда Наманган вилояти аҳолисининг кўпчилик қисми бир неча ойдан бери ўзларига ажратилган шакар, ўсимлик ёғи ва хўжалик совуни каби меъёрлашган маҳсулотларни харид қилолмаётганлиги хабар қилинган. Савдо шохобчалари кунига бир-икки соатгагина очилади, чунки уларда сотиладиган товарнинг ўзи йўқ. Репортаж муаллифининг ёзишича, "Қишлоқ дўконлари пештахталар бўшлиги билан бир-бирига жуда ўхшайди".

Озодлик эпкини йўқчиликка чек қўйди. Мавжуд қийинчиликларни енгиш учун вақт талаб қилинишини англаб етган ўзбекистонликлар ўзлари сайлаган раҳбарга тўлиқ ишониб, мустақилликни мустаҳкамлашнинг оғир йўлини бардавом босиб ўтар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ютуғининг асосий омили пухта ва самарали асосга эга эканини ҳис этиб, қўллаб-қувватларди. Ўша пайтда Президент Ислом Каримов бирор бир ҳуқуққа эга бўлмаган республикадан бозор муносабатлари ривожланган суверен демократик давлат даражасига кўтарилиш даврида шошилишга, воқеаларни тезлатишга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлаганди. Минтақамиздаги демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш тақозо этиларди. Ўшандай мураккаб ва масъулиятли дамларда ўз халқини ҳимоя қила олишга қодир бўлмаган давлатни инсонпарвар давлат деб аташ мумкинмиди?! Асло!

Шундай қилиб, 1992 йилнинг охиридаёқ мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши суръати пасайишининг олди олиниб, барқарорлаштиришга эришилди. Ваҳолонки, ўша пайтда МДҲнинг бошқа мамлакатларида ишлаб чиқариш ҳажми иккиуч баравар пасайиб кетаётганди. "Шу боис ҳам Сизнинг оддий инсонлар фаровонлиги ҳақида ўйлаб, тинч яшаш ва хотиржам меҳнат қилиш учун қулай шароитни яратиш ҳақида доимий ғамхўрлик қилаётганингизни биз ниҳоятда қадрлаймиз", дея ёзилган эди пойтахтимиздаги фабрикалардан бирининг жамоаси давлат раҳбарига мурожаат қилиб газетага йўллаган мактубида.

Айнан ўша даврда халқимиз янгича демократик вазиятга мувофиқ ҳолда, ўз фикрини билдириш ва ўз келажагини режалаштиришда бевосита қатнашиш бўйича мисли кўрилмаган фаоллик намойиш этди. Матбуотда эълон қилинган Асосий Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик, барча фуқаролар томонидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон, вилоятлар, шаҳар ва туманлар фаоллари йиғилишларида, минглаб меҳнат жамоаларида муҳокама этилди. Икки ярим ой давомида Конституция ҳайъатига 600 га яқин мактуб ва беш мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Одамлар ҳаяжон ва ғурур, яхши ниятлар билан ўз ҳаётларининг қомусини ёздилар.

Ўша унутилмас лаҳзаларда мустақил Ўзбекистон Конституциясининг халқчиллиги ва таъсирчанлиги тарихий адолатни тиклаш, мустақилликка мустаҳкам пойдевор қўйишни англатар эди.

## Етуклик даврига ўтиш

Экспертларнинг маълумотига кўра, дунё мамлакатларида уч юзга яқин конституция қабул қилинган. Турли муаллифларнинг тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, ушбу ҳужжатларнинг ўртача "яшаш давомийлиги" 17-18 йилни ташкил этган. Ана шу рақамларга солиштирадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни балоғат остонасидан ҳатлаб, етуклик даврига кирди, дейиш мумкин. Ҳаёт синовларидан ўтган Конституциямиз нафақат ўзининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини, балки ўзида мужассамлашган улкан салоҳият кейинги тараққиёт учун ҳам асос бўлишини исботлай олди.

Мана, 23 йилдирки, Ватанимиз бунёдкорлик пойдевори бўлган бош ҳужжат билан ҳамнафас қадам ташлайди. Конституция ҳуқуқий, демократик тараққиёт йўлини бошлаб берди, ҳаётнинг ўзи ва эришилган ютуқлар эса танланган йўлнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлади. Ўтган давр мобайнида чинакам иқтисодий мўъжиза амалга оширилди. Президентимиз маърузасида келтирилганидек, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Кейинги 11 йилда, жумладан, жорий 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда.



Бор-йўғи, йигирма йилдан ортиқроқ вақт давомида Ўзбекистон иқтисодиёт структурасини тўлиқ ўзгартириб, янги технологик тармоқларни ўз ичига олди, пахта яккаҳокимлигидан халос бўлди. Мамлакатимиз илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигига эришди.

Дейлик, истиқлолнинг илк йилларида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари — буғдой, дон, гўшт, сут, тухум, шакар четдан келтириларди. Биргина Конституция қабул қилинган йили ёш давлатимиз аҳолининг яшаш шароитлари ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида хориждан 3,2 миллион тонна дон, 40,5 минг тонна гўшт сотиб олди.

Бугунги кунда эса аҳоли эҳтиёжларининг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланмоқда. Қолган 4 фоизи, бозор ва супермаркетлардаги мўл-кўлчиликни ҳисобга оладиган бўлсак, бананга ўхшаш турли экзотик маҳсулотлар импортига тўғри келади. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг маълумотларига кўра, бундай корхоналар уч мингдан ортиқ номдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Бу ассортимент ҳар йили 80 турга кўпаяди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ортди: мустақиллик йилларида гўшт истеъмол қилиш кўрсаткичи аҳоли жон бошига 1,3 марта, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли 1,6 марта, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли эса деярли 4 марта ошган. Ахир, бу аҳолининг турмуш даражаси кўтарилганидан дарак эмасми?!

Ўн минглаб фермер ва миллионлаб деҳқон хўжаликларига йўл очиб берган аграр соҳадаги ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда йилига қарийб 17 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Бугунги кунда Ўзбекистон бундай маҳсулотларни етказиб бериш бўйича дунёда етакчи ўнталикка киради. Серқуёш ўлкамиздан ҳар йили юзлаб, минглаб тонна ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва 180 турдаги бошқа табиий неъматлар турли қитъаларга экспорт қилинади.

Конституцияда мустаҳкамланган хусусий мулк устуворлиги ҳақидаги меъёр асосида Ўзбекистонда кичик бизнес ривожи учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Бу йил республикамиз "Doing Business" — бизнес юритиш бўйича нуфузли рейтингда биратўла 16 поғона кўтарилди, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун шароитларни яхшилаш суръатлари бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторига кирди. Жаҳон банкининг Марказий Осиё давлатлари бўйича минтақавий директори Сарож Кумар Жа қайд этганидек, агар ўн йил аввал тадбиркорларга ўз ишини бошлаши учун ўртача 276 кун керак бўлган бўлса, бугун бу жараённи Ўзбекистонда ўртача 6,5 кунда амалга ошириш мумкин, яъни юқори даромадли ИҲТТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) мамлакатларининг кўрсаткичлари билан тенг.

Жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форуми ҳам турли мамлакатларнинг нуфузли экспертлари томонидан тан олинган яна бир муваффақият бўлди. Юртбошимиз маърузасида қайд этилишича, унда дунёнинг ривожланган 33 та давлатидан нуфузли фирма ва компанияларнинг 560 дан зиёд вакили, шунингдек, етакчи халқаро молия институтлари раҳбарлари иштирок этди. Анжуман якуни бўйича умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд инвестиция битимлари имзоланди.

## Авлодлар бахт-саодати учун

Бу йилги маърузада диққатга сазовор факт келтирилган: Гэллап институти деб номланувчи нуфузли ижтимоий фикрни ўрганиш маркази (АҚШ) томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзуида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги 141 давлат орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, юқорида айтилганларнинг барчаси — юртимизда тинч ва осойишта ҳаётни сақлашнинг муҳим омилларидир. Доимий иш жойига эга бўлган, фарзандларининг таълим олиш ва касб эгаллаш имконияти таъминланган, ота-оналари эса кексаликни муносиб ўтказадиган киши ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Ўзининг ва оиласининг хотиржамлиги, фаровонлиги уни турли ёлғон ғояларга эргашишдан асрайди.

Шу маънода, 2015 йилнинг Давлат дастури ва келгуси йил учун ишлаб чиқиладиган дастур ўз вазифаларига кўра ҳамоҳангдир. Бу йилгиси катта ёшдагиларга ғамхўрлик қилишни кўзда тутган бўлса, навбатдагиси соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялаш учун имкониятларни янада кенгайтиради. Ҳар икки йил дастури ҳам энг эзгу ва инсонпарвар мақсадлар йўлида улкан ишларга даъват этиб, жамиятимизда тинчлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз халқимиз орасида кенг тарқалган бир ҳикматни, яъни "Кексалари бор уйдан файзу барака аримайди", деган гапда жуда катта маъно-мазмун борлигини ва буни ҳеч қачон унутмаслигимизни билдирди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича барча манба ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи Ўзбекистонда бу борадаги хайрли ишлар давомли эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз мустақилликка эришганимиздан сўнг баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик. Шу боис келаётган йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши ҳамда бу бўйича узоқ муддатли дастур қабул қилиниши ҳақидаги хабар иштирокчилар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Бу "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган ҳаётбахш ғоя фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланишининг тасдиғидир. Ўзбекистонликлар келгуси Соғлом она ва бола йилини хайрли умидлар ҳамда эзгу мақсадлар билан боғлашлари эса чуқур тарихий илдизга эга, халқимизнинг асрий орзуларини мужассам этган Конституциянинг меъёрлари билан ҳамоҳангдир. Шунинг учун Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунни нишонлаш асносида янги Давлат дастури билан биз Ватанимиз солномасига навбатдаги ёрқин саҳифани киритишимиз рамзий маънога эга. Албатта, бу эзгу ишларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ўзига хос меҳнатсеварлиги ва катта бунёдкорлик салоҳиятини намоён этади.

**Ўткир РАҲМАТ.**

Бахтиёр АКРАМОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# УЛУҒВОРЛИК, ҒУРУР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси истиқлолга, садоқатга чорлайди. У фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, фидойиликка, ташаббускорликка ундайди, миллий ғурурни уйғотади. Мадҳиямиз байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, турли давлат раҳбарларини кутиб олиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ҳамда матн билан ифодалайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз жаҳон узра мустақил Ўзбекистоннинг овози сифатида янграб келмоқда.

Юксак ватанпарварлик туйғусини мужассамлаштирган мадҳиямиз бугун таълим масканларида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишига хизмат қилаётир. Ҳатто энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз миллатимизнинг бош қўшиғини жўшиб, мағрурланиб куйлаганида, севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Улар юртнинг эртаси, таянчи ва суянчидир.

Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обрўэътибори ҳам тобора юксалаяпти. Энг муҳими, мамлакатимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлари келажакка қатъий ишонч билан юксак марралар сари дадил одимламоқда. Бу борада улуғвор мадҳиямиз қалбларни тўлқинлантириб, барчамизни истиқлолни асраб-авайлаш, хотиржам ва фаровон турмушимизни қадрлашга ундайверади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тиббиёт тизими қисқа фурсат ичида миллий моделнинг умумэътироф этилган халқаро андозаларига мос ҳолда шаклланди. Янгидан-янги замонавий шифо масканлари ва уларнинг бугунги кун талабига монанд ҳолда жиҳозланиши, инсонлар саломатлигини яхшилаш ҳамда касалликларни ўрганиш ва даволаш билан боғлиқ жараёнларга илм-фан ютуқларини кенг жалб этиш каби амалий саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, миллат генофондини асрашга, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Оналик ва болалик муҳофазаси ҳақида сўз юритганда, дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ҳамда саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти хусусида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ушбу амалиётнинг самараси оналар ва дунёга келаётган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланаётганида намоён бўлмоқда. Эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликларининг рўйхатга олинмаганлигини айтиб ўтиш жоиз. Шу боис 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди.

Президентимиз қарорига мувофиқ, қабул қилинган 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастурида мамлакатимизда тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ҳамда ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ҳозирги вақтда унинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Шулар қаторида келгусида давлатимиз раҳбари маърузасида таъкидланганидек, тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техника базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Айниқса, соғлом авлодни вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ҳамда спортни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларни кун тартибига қўйиш зарурдир. Бу, ўз навбатида, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бинобарин, маърузада бу борада парламент олдида турган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилиб, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш муҳимлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг жойларда бир хилда бажарилишини амалий тарзда таъминлаш, энг муҳими, одамлар орасида бўлиш, ҳаётдан узоқлашмаган ҳолда уларнинг дарду ташвиши билан яшашга қаратилган чора-тадбирларни амалиётда кенг қўллашимиз мақсадга мувофиқ ва бу бугунги куннинг қатъий талабидир.

Хулоса ўрнида айтганда, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасидаги тизимли ишлар пировардида юртимизда ҳар бир инсоннинг соғлом ва бахтиёр турмуш кечириши, гўдакларнинг соғлом дунёга келиши, аёлларнинг репродуктив саломатлиги яхшиланиши, жамият таянчи бўлган мустаҳкам оилаларнинг кўпайишига замин яратмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

ЭЪЛОН

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 гектар майдондаги иссиқхона такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 778 718 232 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 28 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBank» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

1829А/02

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири Аминбой Ортиқбоевга волидаи муҳтарамаси

**ТОЖИГУЛ момонинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5